

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Ш.Каримов, О.Ахмаджонова</b>	6
Бессель оператори қатнашган иккинчи тартибли оддий дифференциал тенгламаларнинг фундаментал ечимлари ҳақида .....	
<b>Н.Икрамова, Э.Турсунова</b>	12
Тўртинчи тартибли тўла дифференциалли оддий дифференциал тенгламаларнинг бир синфи ҳақида .I. ....	
<b>М.Жалилов, Г.Каюмова</b>	18
Капута оператори қатнашган тўртинчи тартибли аралаш типдаги тенглама учун бир нолокал масала тўғрисида.....	
	КИМЁ

<b>А.Ибрагимов, В.Хўжаев, У.Умархонова, Д.Тожибоев, М.Исақов</b>	24
Vigna sinensis, cicer orientinum, phaselousayreus, arachhis hypogaea дуккакли ўсимликларни кимёвий таркибига кўра синфлаш масалалари .....	
<b>М.Қодирхонов, Т.Сайпиев, С.Рашидова</b>	30
NA-карбоксиметилцеллюлоза эритмасининг юқори ҳарорат ва юқори тузли шароитдаги реологияси .....	
	БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

<b>П.Турдалиева, О.Ахмедова</b>	34
Фарғона водийсининг доривор ўсимликлари – макро - ва микроэлементлар манбаи .....	
<b>М.Шерматов, С.Умаров</b>	38
Фарғона водийсида анжир парвонаси (Lepidoptera choreutidae) нинг тарқалиши ва ривожланиши.....	

<b>М.Адхамов</b>	43
Рақамли иқтисодиёт шароитида таълим: муаммолар ва самарадорлик .....	
	ФАЛСАФА, СИЁСАТ

<b>Г.Закирова</b>	46
Ўзбекистон матбуоти ва унинг интернет-сайтларида хотин-қизларга нисбатан зўравонлик мавзусига ёндашув.....	
<b>А.Қамбаров, О.Махмудов</b>	52
XIX аср охири – XX аср бошларида жадид ҳурфикрлигида эркинлик ғояси .....	
<b>Ш.Аббосова</b>	57
Глобаллашув жараёнлари ва миссионерлик ҳаракати .....	
<b>М.Ғоипов</b>	62
Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари .....	
<b>Ж.Боқиев</b>	69
Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида вояга етмаганларнинг жавобгарлиги.....	
	ТАРИХ

<b>И.Кузикулов</b>	73
Фарғонада пахта навларини янгилаш билан боғлиқ масалалар ҳақида (XIX аср охири – XX аср бошлари) .....	
<b>Д.Абдуллаев</b>	77
Хайрия ва ҳомийлик фаолияти: Ўзбекистон ва жаҳон мамлакатлари ҳамкорлиги мисолида .....	

УДК: 93/99

**XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ЖАДИД  
ХУРФИКРЛИГИДА ЭРКИНЛИК ҒОЯСИ**

**ИДЕЯ СВОБОДОМЫСЛИЯ В ДЖАДИДИЗМЕ КОНЦА  
XIX – НАЧАЛА XX ВЕКОВ  
THE IDEA OF FREEDOM IN THE PERIOD OF JADIDISM AT THE END OF XIX AND AT  
THE BEGINNING OF XX CENTURIES.**

**А.Қамбаров, О.Махмудов**

**Аннотация**

*Мақолада XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида вужудга келган жадидчилик ҳаракати илғор намоёндаларининг эркинлик ғояси ҳақидаги фикрлари атрофлича таҳлил қилинади.*

**Аннотация**

*В статье подробно анализируются мысли об идее свободы прогрессивных деятелей движения жадидизма, возникшего во второй половине XIX - начале XX веков.*

**Annotation**

*This article discussed in detail the ideas of independence by the leaders of the movement of Jadism that arose in the second half of the XIX and early XX centuries.*

**Таянч сўз ва иборалар:** жадидчилик, жадид мактаблари, маърифатпарварлик, эркинлик ғояси, миллий озодлик ҳаракати, хурфикрлик, миллий озодлик, руҳий эркинлик, рўзнома, ойнома, таълим-тарбия.

**Ключевые слова и выражения:** джадидизм, джадидитские школы, просветительство, идея свободы, движение национального освобождения, свободомыслие, национальное освобождение, духовная свобода, газета, журнал, обучение и воспитание.

**Keywords and expressions:** Jadism, jadid school, enlightenment, the idea of freedom, national liberation movement, free-thinking, national liberation, spiritual freedom, newspaper, journal, education and training.

Бугунги кунгача жадидчилик ҳаракатларининг баъзи қирраларига эътибор қаратилиб келинди. Шунга кўра биз мазкур мақоламизда жадид хурфикрлигида эркинлик ғоясининг шаклланиш жараёнларига эътиборни қаратдик.

Жадидчилик XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида туркий халқлар ва тожиклар орасида юзага келган, Туркистон халқларининг манфаатларини ифодалаган, маърифат учун курашган, ўқиш-ўқитиш ишларини ислоҳ қилган, диний мактабларнинг дастурларига дунёвий фанларни киритишга интилган маърифатпарвар оқим[1,64]. Шунингдек, жадидчилик ғояларини тарғиб этиш жараёнида халқни саводли, ўқимишли қилиш ва шу асосда эркинлик ғоясини сингдириш вазифасини мақсад қилиб қўйган ижтимоий-сиёсий оқим.

Жадидчилик маърифатпарварлик ҳаракатининг юқори босқичи бўлиб, унинг намоёндалари мамлакатни феодализмдан таракқиётга олиб чиқиш, миллий мустақилликка эришиш учун курашда жонбозлик кўрсатганлар. Ҳаракатнинг ижтимоий таркиби дастлаб турли хил табақалардан иборат бўлиб, мадраса талабалари, янги усул (усулижадид) мактаб ўқитувчилари ҳаракатнинг асосий қатламидан жой олган. Кейинчалик

йирик савдогарлар, эндигина шаклланаётган саноат корхоналари эгалари ҳам улар сафига қўшилиб, жадидлар ҳаракатини моддий жиҳатдан таъминлаб турганлар.

Жадидлар ҳаракатида миллий зиёлиларнинг деярли барча илғор вакиллари қатнашган. Улар орасида Ҳамза, Абдулла Авлоний, Иброҳим Даврон, Сиддиқий, Ҳолмуҳаммад Охундий, Фитрат, Садриддин Айний, Мурмуҳсин Шермуҳаммедов, Назир Тўрақулов, Мунаввар қори Абдурашидхонов каби маърифатпарвар зиёлилар бор эди.

Жадидчилик шаклланиб ва тараққий этиб бораётган янги капиталистик муносабатларнинг маҳсули, у мафкура, муайян қарашлар тизими сифатида капиталистик тузум эҳтиёжларини ифодалар эди. Демак, жадидчилик оқими ва унинг ғоялари янги тузумга интилиш ва ҳаракатни ифодаларди, шу туфайли эркинлик ғояси унинг мафкурасида устувор аҳамиятга эга бўлган.

Жадидчилар ўзларининг ғоявий қарашларида XIX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган демократик тушунчаларни давом эттирди, янги ижтимоий-сиёсий муҳит эҳтиёжларига монанд равишда ривожлантирди. Демак, жадидизмнинг

*А.Қамбаров – ФарДУ, фалсафа фанлари номзоди, доцент.*

*О.Махмудов – ФарПИ, ўқитувчи.*

*Г.Закирова – ЎЗМУ мустақил*

ижтимоий илдизини миллий буржуазиянинг вужудга келиши ва унинг миллий озодликка интилишидан изламоқ керак. Миллий озодлик ҳаракатининг кучайиши билан жадидлар орасидан оддий халқнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи кўплаб илғор фикрловчи кишилар майдонга чиқди. Жадидчилик, юқорида айтилганидек, маълум ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларда шаклланган, ўз даврига нисбатан прогрессив ҳаракат эди.

Россия империясининг шарқий минтақасидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар фаоллигидан маърифатпарварлик (жадид) ҳаракати ҳамда XIX аср охири ва XX аср бошларида вужудга келиб, кенг тарқалган янги турдаги ижтимоий-сиёсий фикрларнинг шаклланиши далолат беради. Ўз моҳиятига кўра антифеодал ва антиколониал мазкур ҳаракат ватаннинг тақдирига қайғурадиган маърифатли эркин инсонни тарбиялашни кўзлаган.

Жадидлар тақлиф этган халқ маорифининг ислоҳоти анъанавий диний таълим-тарбиядан фарқ қиладиган ўзгача йўналишни назарда тутибгина қолмай, балки энг муҳими – руҳан озод, хурофот ва бошқа иллатлардан фориғ, эркин фикрловчи шахсни вояга етказишни мақсад қилиб қўйган. Шунинг ҳам ҳисобга олиш зарурки, жадидчилик ҳаракатининг намояндалари мумтоз ўзбек адабиётининг билимдони, зукко ва фаол кишилар бўлган. Ўзбек жадидчилиги адабиёти ва ижтимоий-сиёсий ҳамда фалсафий тафаккури тарих тақозоси билан умумроссия маданий муҳитида, ўзига хос, унумли фаолият кўрсатаётган адабиётлараро муштараклик доирасида, биргина ўзбек адабиёти билангина эмас, балки рус адабиётининг мумтоз намуналари, озарбайжон, татар ва бошқа халқларнинг адабиёти ва театри билан мулоқотда ва ўзаро таъсирда вужудга келди, ривожланди. Мазкур тарихий даврда вужудга келган қўшимча мулоқот ва алоқалар воситасида адабий жараён кучайди ва тезлашди.

XIX аср охири – XX аср бошида Бухоро амирлиги ва Туркистоннинг муайян муҳитида шундай ижодкорлар қаторида Ахмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Садриддин Айний, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва бошқаларни номлаш мумкин. Улар барчасининг ижодий меросида миллий озодлик, руҳий эркинлик ва унга интилиш ғояларини кузатамиз.

Туркистонда жадидизмнинг шаклланиши ва ривожланишига Туркия, Татаристон ва Бошқирдистоннинг илғор фикрловчи

зиёлилари жиддий таъсир кўрсатди. Улар билан шахсий ва гуруҳий алоқалар ўрнатган жадидлар маълум даражада Европа ва рус маданияти билан танишиш имконига эга бўлдилар, уларнинг рўзнома ва ойномалари Туркистонда кенг тарқала бошланди.

1906 йилдан бошлаб ўзбек жадидлари Самарқанд ва Тошкентда ўзларининг газета ва журналларини нашр қила бошлади. Уларда биринчи рус революцияси таъсирида вужудга келган феодал тартибларга ва мустамлакачилик режимига қарши қаратилган ғоялар билан бирга маҳаллий аҳолини ўқиш-ўрганишга, маърифатни эгаллашга, илғор Европа илм-фани ва маданиятини эгаллашга бўлган даъват муҳим ўрин эгаллади. Умуман олганда, бу матбуот мўътадил бўлса-да, унинг саҳифаларида мустамлакачилик сиёсати, феодал тартибларнинг ҳимоячиларига қарши қаратилган, эркинлик ғояси билан суғорилган мақолалар босилиб турган. Бу даврда жадидларнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида жиддий олдинга силжишлар рўй берди.

Жадидчилик ҳаракатининг кўзга кўринган намояндалари ижтимоий-сиёсий қарашларида жадидизм мафкурасига монанд бўлган эркинлик ғояси ўз ифодасини топган. Шулардан бири XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб, ўзбек ва форс тилларида ижод этган ўзбек демократ шоири, ҳатот Алмай (асл исми Фазлуллоҳ Миржалол ўғли) эркинлик мавзуларига бағишланган шеърлар ёзиш билан бирга, моҳир таржимон ҳам эди. У ҳинд эпоси “Калила ва Димна”, буюк Жалолиддин Румийнинг маснавийларини ўзбек тилига ўгирган мутафаккирлардандир. Унинг эркин фикрлаши ўша даврдаги руҳонийлар билан ихтилофларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлган.

Ўзбек адибларининг уч авлодига хос ижод мазмунини намоён этган Маҳмудхўжа Беҳбудий (1877-1919), Ҳамза (1889-1929), Абдулла Қодирий (1894-1937)ларнинг шу даврда яшаб ўтган маърифатпарварларнинг ижоди умумроссия ва жаҳон миқёсида рўй бераётган адабиётлараро муштараклик томон йўналган миллий адабиётда содир бўлаётган эволюцион ўзгаришларни акс эттиради. Юқорида номлари зикр этилган буюк адиблар ва маърифатпарварлардан ташқари, бу даврда йирик жамоат арбоблари ҳам эркинлик ғоясига қўшилганлар. Ана шундай шахслардан бири Сатторхон Абдуғафоров Марказий Осиёда ижтимоий тафаккури ривожлантиришда муҳим роль ўйнаган,

Ўзининг “Муслмон Эшонлар” номли асарида ҳамда “Россия истилосига қадар Қўқон хонлигининг ички аҳволи ҳақида қисқача очерк”ида “руслаштириш” сиёсатини кескин қоралаган, адолатсизликка, маърифатсиз худбинликка нафрат билан қараган. Сатторхон ўзбек халқининг мустақиллик учун олиб бораётган курашига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

Туркистонда тарихий, ижтимоий ва маданий омилларнинг муайян мажмуаси билан белгиланган янгича типдаги маърифатпарвар дунёқараш ва адабиётнинг зуҳур топиши ягона давлат ва ўзига хос умумроссия адабиётлараро муштаракнинг мавжудлиги шароитида содир бўлдики, бу феномен эркинлик ғояси учун шарт-шароит яратди. Тарих, адабиёт ва фалсафий тафаккурнинг мезонларидан энг муҳими эркинлик ғояси бўлиб қолди. Буни Абай, Фурқат, Завқий, Аҳмад Дониш, Бехбудий, Фитратларнинг адабий ва публицистик меросида яққол кўришимиз мумкин.

Бадий ва ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг янги шаклида бу мутафаккирлар асарлари ва ғоялари чуқур из қолдирган. Илгариги анъанавий адабий ва маданий алоқалар янги пайдо бўлган алоқаларга бирикиб, улар янада қудратлироқ ва кучлироқ таъсир кўрсатувчи омилга айланган. Бу даврда ижтимоий-сиёсий жараённи белгилловчи омиллардан энг кучлиси ягона миллатга жипслашишга интилиш тенденцияси эди, бу ҳол муқаррар равишда миллий эркинлик ғоясини шакллантиради ва ғоявий-сиёсий таъсирни вужудга келтиради.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда рўй берган ижтимоий - сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий жараёнлар ўша даврда тараққиёт йўлидан илгарилаб кетган мамлакатнинг (бу ўринда Россиянинг) маданияти, санъати, адабиёти, илми, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий тафаккури, ҳаёт тарзи билан мулоқот натижасида содир бўлган инқилоб оқибатида рўй берганлиги фикримизнинг далилидир.

Жадидизм оқими ва таълимотининг асосчиси, маърифатпарвар аллома, ёзувчи, драматург ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Бехбудий 1917 йилда Туркистон муслмонларининг Тошкентда бўлиб ўтган, 150 киши иштирок этган қурултойида нутқ сўзлаб, миллатни ўзаро ихтилофлардан воз кечишга, буюк мақсад йўлида бирлашишга, иттифоқ бўлишга чақирди[2,245].

Аллома Россиянинг йирик шаҳарларида рус маданияти ва татар жадидчилик ҳаракати билан яқиндан танишди, унинг йирик намояндалари билан мулоқотда бўлди. Ватанига илғор ғоялар билан қайтган Бехбудий ўз уйида камбағал болалари учун янги усул мактабини очди ва шу мактабда тарих, география, адабиётдан дарс берди, болаларга илғор фикр ва билимларни етказди. Жадидлар, шунингдек, унинг ғоявий етакчиси Бехбудий миллий мустақиллик манфаатларини ҳимоя қила оладиган, иқтисодий ва сиёсий қарамлик ва қолоқликдан чиқиш муаммоларини биладиган замонавий билимга эга саводли кадрлар бўлиши зарурлигини англаган. Мана шунинг учун ҳам жадидчилик ҳаракатининг асосий мақсади маориф тизимини ислоҳ қилишдан иборат бўлиб, бу масала XIX аср охири – XX аср бошлари Туркистон ижтимоий фикрининг диққат марказига қўйилди ва бу масала миллатнинг эркинликка эришишининг асосий ғояси сифатида тарғиб этилди.

Маҳмудхўжа Бехбудий, ислохотни мактаб ва мадрасалардан бошлаш зарур, чунки миллат ҳаёти таълим-тарбия билан белгиланади, деган фикрни илгари суради[5,1]. Мутафаккир миллатни саводхон қилишни унинг озодлиги, мустақиллиги ва эркинлиги ғояси билан боғлайди. Бизнинг билашимиз ўзларининг саводсизлиги учун ҳам синадилар, чунки улар савдо қилиш, молиявий операцияларини олиб бориш ишларини билмайдилар. Агар биз маданият ва иқтисод соҳаларида бошқа миллатларга қарам бўлишни истамасак, биз миллий судьялар, адвокатлар, ўқитувчилар, давлат арбоблари, инженер, саводли тижоратчиларни тайёрлашимиз зарур. Улар савдо идоралари ва банклар бизга ёрдам беришлари, бизни манфаатларимиз, динимизни ҳимоячилари бўлмоқлари зарур, деб ёзган эди Бехбудий. Бусиз бизни кунимиз саноклангандир. Масала шундай экан, сиз ҳурматли ватандошлар, ўз фарзандларингизни дин ва миллатга хизмат қилмоқлари учун замонавий билимга ўргатишга ҳаракат қилишингиз зарур, миллат ва динга фақат билим ва маблағ билан хизмат қилиш мумкин[6,7].

Миллий мустақиллик ва эркин ҳаётга эришишда жадидчилар, унинг раҳбарлари Бехбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Файзулла Хўжаевлар билан биргаликда умрининг охириги дақиқаларигача ўзбек халқининг маънавий ва сиёсий озодлиги учун оташин курашчи бўлиб қолдилар. Жадидлар миллий

озодликка эришишнинг асосий воситаси деб, маорифни ҳисобладилар. Барча миллатлар ўз фарзандларини дин ва миллатга содиқ бўлиш руҳида таълим берадилар. Шунинг учун улар мактабга алоҳида аҳамият берадилар. Бизда мана шунини ҳис қилиш йўқ. Биз дин ва миллатни ҳимоя қилувчи ишонарли ва мустақкам воситага эга бўлмоғимиз шарт. Бу восита – маорифдир, деб ёзганди Беҳбудий.

Янги усулдаги дастлабки жадид мактаби крим-татар мутафаккири Гаспирали Исмоилбек томонидан очилган. 1903 йилда келиб, 102 та илк ва 2 та ўрта жадид мактаби бор эди. Булардан 6 таси Бухоро амирлиги ва 8 донаси Хива хонлиги ерларида очилди [3,28].

Гаспирали Исмоилбекдан кейин иккинчи жадид мактабини 1898 йилда Қўқонда Салоҳиддин домла, 1899 йилда Андижонда Шамсиддин домла ва Тошкентда Маннан Қори янги жадид мактабларини очадилар. Сўнгра Хожи Муин, Абдулқодир Шокирий, Мунаввар қори, Маҳмудхўжа Беҳбудийлар жадид мактабларига асос солдилар.

Беҳбудийнинг фикрича, мусулмонларни бирлаштирувчи энг тўғри йўл – бу, форс, араб, турк ва рус тилларини ўрганишдир. Мутафаккир Инсоннинг яшаши, фаолият кўрсатиши, миллатлар ва халқлараро муносабатларни ўрнатишда тилларнинг ўрни ва роли беқиёс эканлигини кўплаб мисол ва далиллар билан исботлашга ҳаракат қилади. Табиатан тақводор, аммо маърифатпарвар ва эркинлик ғояси тарғиботчиси бўлган мутафаккир, чет тилларидан бирини – инглиз, француз ёки немис тилини билиши зарурлигини ҳам уқтиради.

Жадидлар матбуотининг саҳифаларида диний-фалсафий масалаларга ҳам катта эътибор берилган эди. Ушбу мавзудаги мақолалар ва нашрларнинг барчасига хос хусусият фан билан динни бир-бирига келиштириш (маълумки, бу фалсафани Х асрда Абуҳамид Ғаззолий яратган эди. – А.Қ.), Ўрта аср Шарқидаги фан ва маданий тараққиёт ютуқларини ислом динига боғлаб кўрсатишдан иборат бўлган. Аммо, рўй бераётган ижтимоий, иқтисодий, маданий, мафкуравий жараёнларни доимо ислом дини ва шариат қоидалари билан боғлаб тушунтирсалар-да, замонанинг ўзгаришларини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлаганлар.

Жадидлар қандай масалани муҳокама қилмасинлар, уларни асослашда Қуръон қоидаларига ва Ҳадисларга мурожаат қилиб, улардан исбот топганлар. Шу билан бирга, тараққиёт ютуқларини ислом динига боғлаб

кўрсатишдан иборат бўлган. Аммо, рўй бераётган ижтимоий, иқтисодий, маданий, мафкуравий жараёнларни доимо ислом дини ва шариат қоидалари билан боғлаб тушунтирсалар-да, замонанинг ўзгаришларини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлаганлар. Шу билан бирга, жадидлар дунёвий билимлар тарафдори бўлганлар қатор олимлар уларнинг фалсафий қарашларини қабул қилган, аммо жадидлар фалсафаси материалистик дунёқараш ва атеизмга қарши қаратилганди. Бу вазифани амалга оширишда улар Ғарбий Европа идеалистик фалсафа оқимларининг ғояларидан фойдаланиш зўрлигини тушуниб етган эдилар. Бу борада Маҳмудхўжа Беҳбудий жиддий билимга эга бўлиб, ўзининг “Самарқанд” рўзномасида босилган мақолаларидан бирида охириги 500 йил ичида мусулмонлар фан ва фалсафа соҳасида бошқа мамлакатлардан, айниқса Европадан орқада қолганликларини таъкидлайди. Зеро, материализм ва атеизм билан курашиш учун фан ва фалсафанинг янги ютуқлари билан қуролланиш мақсадга мувофиқлигини, чунки беш юз йил илгари ишлаб чиқилган калом фалсафаси билан материализм ва атеизмга қарши курашиб бўлмаслигини алоҳида уқтиради [4,277].

Беҳбудий ўз даврининг илғор мутафаккири сифатида ижтимоий ҳаётда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисаларга нисбатан ҳам очиқ кўз билан қараган. У халқимиз озодлиги ва миллий истиқлолини, ёшларимизнинг ҳар томонлама ўқимишли ва маданиятли бўлишларини, ўзбек зиёлилари жаҳон фани ва маданияти дурдоналарини ўзлаштиришларини орзу қилган, халқимизнинг ночор аҳволдан тезроқ озод бўлишини истаган.

Эркинлик ғоясининг оташин жарчиси, унинг қурбони, маърифатпарвар шоир ва мутафаккир Абдурауф Фитрат (1886-1938) жадид адабиётининг йирик адибигина бўлиб қолмасдан, балки кенг қамровли олим, диний назариялар (фақат ислом эмас, христианлик ҳам) билимдони ҳам бўлган. Фитрат ўзининг “Мунозара” номли асарида янги тарихий шароитда эркинлик ғоясини қай мазмунда ва қай усулда тарғиб қилиш мумкинлиги тўғрисидаги мулоҳазаларни билдиради. Озодлик ва эркинлик муқаррар эканлиги ғоясини у ўз умрини яшаб бўлган ва ҳалокатга маҳкум этилган давлат қаторига Бухоро амирлигини ҳам киритади. Фитрат қарашларида илгари сурилган ғоялар унинг моҳиятига кўра қалб нидоси бўлиб, жанри

бўйича антик ва Европа адабиётларининг фалсафий мунозараларига яқин туради. Бу, албатта, миллий эркинлик ғояси билан боғланиб кетган эди, демак, Фитрат ўз вақтидаёқ Шарль Луи Монтескье асарлари, Лев Толстой ижоди, Ғарб ва Шарқ дин уламоларининг исломий фалсафий қарашлари билан таниш эканлигини сездириб туради. Ўз даврининг илғор маърифатпарвари бўлган Фитрат теологик дунёқарашни маънавий-руҳий жиҳатдан тозалаш, диний мутаассиблик ришталаридан озод қилиш, уларнинг ўрнига инсоннинг маънавий-ғоявий эркин фикрлашини тарбиялаш йўлида катта хизматлар кўрсатган. Инқилобдан (1917 йилдан – А.Қ.) олдин у ислом ақидапарастларини Қуръон руҳига мослаштириш масаласини кўтарган. “Мунозара” асарида дин раҳнамоларига, пайғамбарлар ва пирларга муқаддас жойларда сиғинишни танқид қилиб, ватан ва эътиқод эркинлиги ғоясини олға суради. Унинг таъкидлашича, Муҳаммад (с.а.в.) ҳам ўз сафдошлари билан она ерини ўзи химоя қилган. Бу фикри билан Фитрат она ер муқаддаслигини тараннум этган. Менинг Маккаю Мадинам – Бухородир, дейди.

Жадидизм янги иқтисодий муносабатларни ғоявий жиҳатдан ифодаласа, лекин кўпроқ маданий ва сиёсий ҳаётда юзага

чиқди. Унинг намояндалари асосан зиёлилар, илм-фанни тарғиб этувчи ўқимишли маърифатпарварлар эди. Жадидчилар миллатни саводли қилиш, ўқитиш ва ўргатиш, Европа, хусусан, нисбатан илғор бўлган рус адабиёти ва маданиятини эгаллаш орқали тараққиётнинг олдинги марраларга олиб чиқишни кўзлар ва шу борада фаолият кўрсатарди.

Жадидизм – бу, маданий, ғоявий-мафкуравий, таълим-тарбиявий соҳалардаги дунёқарашлар тизими бўлиб, синфий кураш, социал революция каби интилишлардан йироқ оқимдир. Аммо, муайян фикр ғоялар, ижтимоий–иқтисодий, маданий–маънавий манфаатларини ифодаловчи йўналиш сифатида оқим, деб баҳоланади.

Жадидизм муайян ижтимоий-фалсафий оқим, унинг ўзига хос бўлган дунёқараш тизими, принциплари мавжуд. Уларни бир бутун ҳолда таълим-тарбия тизими, деб аташ мумкин. Ана шу ўқиш-ўргатиш, таълим бериш, ёш авлодни саводхон қилиш, илм-фанни ўрганиш, ривожланиб бораётган замон билан бирга бўлиш каби илғор фикрларни жадидчилар XX аср бўсағасида илгари сурганлар, унинг дарғалари Маҳмудхўжа Бехбудий ва Абдурауф Фитрат каби йирик маърифатпарварлар бўлган.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006.
2. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. –Т.: “Шарқ нашриёт” – манбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2005.
3. Тоҳир Қаҳҳор. Хур Туркистон учун. –Т.: Чўлпон, 1994.
4. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. –Т.: Ўзбекистон, 1995.
5. “Ойна”, 1913 йил, 1-сон
6. “Ойна”, 1913 йил, 7-сон

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор)